




ТОШКЕНТ ОҚШОМ



XVI сароси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг кенгайтирилган хайъати ҳамда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг қўшма махлиси бўлди.
- «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳри яқинида «Олтин-гургурт» деб аталган корхона ишга тушди.
- «ЎДЭУавто» автомобиль заводи мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига муносиб меҳнат совғаси тайёрламоқда. Яна бир неча кундан кейин бу ерда янги русумдаги «Матиз» машинасини ишлаб чиқарадиган конвейер тантанали равишда ишга туширилади.
- Янгийўлда Ўзбекистон ёш рассомларининг мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган кургзмаси очилди.

Жаҳонда

- БМТ Бош ассамблеясининг 19-21 сентябрь кунлари бўладиган 27-сессиясида 75 дан ортиқ мамлакатнинг давлат раҳбарлари иштирок этишга истагини билдирди. Болалар муаммосига бағишланувчи мазкур анжуманда махсус декларация қабул қилиниши кутилмоқда.
- Кеча Россия-Америка «Дискавери» экипажи Халқаро космик станция билан тугашди.
- Кеча Македония шимолида Косово чегаралари яқинида Македония армияси билан албан жангарилари ўртасидаги жанглар яна бошланиб кетди. Жангариларга қарши самолётлар ва вертолётлар қўлланилмоқда.
- Исроил танклари Фаластиннинг Фазо минтақаси сари яна 1 километр ичкари кирди. Шу билан бирга Исроилнинг F-16 ракета манбалари Фаластиннинг Ромаллох мазеини ўққа тутган. Маълумотларга қараганда, Исроил армияси салкам ўндан ортиқ Фаластин худудларини ўз тасарруфига киритган.
- Кеча Исроилда бомба портлади. Хайфа шаҳри яқинидаги қаҳвахонада бомбани ўзига яширган кимса ўзини портлатиб юборди. Шунинг оқибатида 20 нафарга яқин исроиллик жароҳат олди. «Ислол жиходи» гуруҳи ана шу ҳаракат учун масъулиятни ўз зиммасига олди.
- Тожикистонда террорчи гуруҳ бошлиғи Раҳмон Сангинов йўқ қилинди. Маълумотларга қараганда, ИИВнинг муваффақиятли операцияси натижасида унинг эриши мумкин бўлган.
- Анголада «Унита» жангарилари гуруҳи анголалик қочоқлар кетаётган поездга ҳужум қилган. Шунинг оқибатида 91 киши ҳалок бўлган ва 146 киши жароҳатланган.
- Эфиопия соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, бир йил ичида мамлакатда ярим миллион киши ОИТС хасталигидан вафот этган. 15 йил аввал бошланган эпидемия шу йил охиригача 1,7 миллион кишининг ёстигини қуритиши мумкин.
- РИА «Новости» ахборот мақамасининг хабар беришича, миёнага тўқнашиш оқибатида Македониянинг саккиз нафар жангчиси ҳалок бўлган, олти нафари оғир тан жароҳати олган. Мазкур фожиа Македония армияси машинаси албанларнинг бомба тўдирилган машинасига тўқнашиши оқибатида юз берган.
- АКШнинг собиқ Президенти Рональд Рейганнинг кизи Мори 60 ёшида тери рақидан вафот этди. Мори Рейган уч ола-сингилдан фарқли ўлароқ, собиқ Президентнинг сийёсат йўлига кирган ягона фарзанди эди. Шунинг учун ҳам Президентнинг Морига нисбатан меҳри бўлакча бўлган.
- Непал полицияси Катманду туманларидан бирида бундан 22 йил муқаддам Непал миллий музейидан ўғирлаб кетилган Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асари қўлэмаларини топиб олди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу топилманинг қиймати 800 миң долларни ташкил этади. Уч контрабандчи ҳўбсга олинди.
- Кеча Шотландиянинг Эдимбург маъмурий марказида йиллик санъат халқаро фестивали очилди. Фестиваль сентябрь ойининг биринчи санасига қадар давом этади.
- Кеча Стокгольмда Жаҳон сув ҳафталиги бошланди. Дунёнинг юзта мамлакатидан берга ташриф буюрган мингага яқин ҳафталик қатнашчиси сув ресурслари тарққиёти, экологик тадқиқотлар натижалари ва замонавий озик-овқат махсусотларини ишлаб чиқариш масалаларини муҳожама қилади.
- Кеча бундан ропла-роса бир йил муқаддам ҳалокатга учраган «Курск» кемаси денгизчиларининг 300 га яқин қариндош-уруғлари Видяево гарнизонида ўтказилган хотира тадбирларида қатнашди.
- Филиппинда «Абу-Сайёф» гуруҳидаги айирмачилар томонидан қўлга олинган гаровдаги уч киши озод қилинди.
- Таиландда рўй берган сув тошқини оқибатида камида 60 киши ҳаётдан кўз юмган ва яна 40 нафарга яқин киши жароҳатланган. Шунингдек, 70 га яқин кишининг бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 94 (9.591) 2001 йил 13 август, душанба Сотувда эркин нархда

10 Шу азиз Ватан — барчамизники!

● Сергели туманининг умумий ер майдони 6,0 миң гектардан ортиқ бўлиб, бу ерда 213,165 нафар аҳоли яшайди. Шулардан 79,2 миң нафарини аёллар, 76,4 миң нафарини эркаклар ташкил этади.

● Туманда маҳаллалар сони 33 тани ташкил этиб, уларда 6 та замонавий гузар мавжуд.

● Туманда 7307 та уй-жой, 166 та кўча жойлашган.

● Туман ҳўжалиги фаолиятини юритаётган корхоналар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан бугунги кунда 166 та йирик корхона, 48 та ўрта корхона, 263 та кичик корхона, 699 та микрофирма самарали фаолият юритиб келмоқда. Шулардан саноат корхоналари сони 274 тани ташкил этиб уларда 9616 нафар, туман ҳўжалигида эса 38738 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Махсуслот ишлаб чиқариш ўсиш суръати 105,5 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўсиш суръати эса 106,1 фоизга етди.

● Туманда 148 та қурилиш-ижара монтаж ташкилоти, 38 та транспорт корхонаси мавжуд. Шунингдек 3 та шифохона, 4 та поликлиника, 1 та туғруқхона бир сменада 1906 нафар беморни қабул қилади.

● Туманда 28 та умумтаълим мактаби, 3 та касб-ҳўнар коллежи, 2 та ўрта махсус ўқув юрти, 35 мактабгача тарбия муассасаси болалар ихтиёрида.

● Туманда 8 та кутубхона, 2 та маданият-истироҳат боғи, 3 та маданият уйи, 1 та мусика ва санъат мактаби бўлиб, уларда туман аҳоли маданий ҳордиқ чиқариб кўнгили дам олмақда.

● Туманда 51 та спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, шулардан 1 та стадион, 5 та сузиш ҳавзаси, 45 та спорт зали, 1 та мослаш-

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА




тирилган спорт зали ва 4 та очик майдон аҳолининг соғлигини тиклаш ва ёшларни спорт турларига йўналтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

● Туманда бугунги кунда 260 та маиший хизмат кўрсатиш муассасаси фаолият кўрсатмоқда. 47 та сартарошхона, 12 та суратхона, 5 та кимёвий тозалаш, 19 та пойабзал тозалаш хонаси, 1 та ижара тармоғи, 32 та болалар компьютер ўйинлари, 46 та автомобиль таъмирлаш, 10 та мураккаб уй-ўзгор техникасини таъмирлаш, 5 та соатсозлик, 8 та радио-телевидение анжомларини таъмирлаш устанонаси, 11 та модлар ательеси, 12 та нусха кўчириш, 1 та буюм сақлаш, 34 та бильярд столларини ижарага бериш ва 17 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шохобчалари шулар жумласидандир.

● Шунингдек, туманда 74 та қўшма корхона, 5 та банк, 200 та жамоат ташкилоти, 246 та савдо дўкони, 108 та умумий оқватланши корхонаси мавжуд, 3 та бозор туман аҳолига намунали хизмат қилиб келмоқда.

● Сергели тумани ҳақидаги мақолалар билан газетанинг 2-бетидаги махсус саҳифада танишасиз.

ҚУРУВЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ



Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида анъанавий байрам — Қурувчилар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳоқими Козим Тўлаганов очди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол шарофати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари авж олди. Нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар, балки энг олис қишлоқларда ҳам замонавий турар жойлар, саломатлик масканлари, корхоналар, билим даргоҳлари қад ростилаб, янги йўللار, кўприklar қурилмоқда. Биргина Тошкент шаҳридаги яратувчилик ишлари фикри мизнинг ёркин далили бўла олади. Бугун пойтахт нафақат Ватанимизнинг, балки бутун Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланмоқда.

Кечада бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнатиб кўрсатиб меҳнат қилаётган қурувчиларга эсдалик совғалари ва мукофотлар топширилди.

Тантанали кечга Гуломжон Ёқубов, Юлдуз Усмонова, Гулбахор Эрқулова, Мавлуда Асалхўжаева, Лариса Москалева, Шухрат Қоюмов, Насиба Сатторова, «Хўжа», «Ялла», «Аёло», «Фавв», «Байрам» гуруҳлари ижросидаги жозибали кўшиқлар, мафтункор рақслар ўзгача файз киритди.

Шанба, яқшанба кунлари шаҳримиздаги Боғи Эрам, Бобур, Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғ-

лари, ҳайвонот боғида Қурувчилар кунига бағишланган байрам тадбирлари, оммавий сайиллар ўтказилди. Барча уйин аттракционлари қурувчиларнинг фарзандлари учун бепул хизмат кўрсатди.

Ўз муҳбиримиз.



СУРАТЛАРДА: «Туркистон» саройида Қурувчилар кунига бағишланган тантанали кечадан ва истироҳат боғларидаги сайиллардан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

носи энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топширилди.

□ **БЕКТЕМИР** туманидаги марказий кутубхонада «Мирришор» маҳалласи фаоллари ва 293-мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида туман ҳоқимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Олтин касб эгаси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

□ **РЕСПУБЛИКА** Олимпия кўмитасида Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ва-

риллари, баскетболчилару мураббийлар иштирокида бўлиб ўтган семинар баскетболни янада ривожлантириш масаласига бағишланди.

□ **ЎТГАН** кун Абдуманноп Раупов номи болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари билим юртида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида истиқлол айёми арафасида ўтказилаётган шахмат-шашка мусобақалари шаҳар босқичининг финал ўйинлари ўтказилди.



КУРАШ

97 килограммгача вазнда ҳам финал беллашувни тенг курашлар остида ўтди.

Қолган вазларда туркиялик Шареф Туфенк, Фарид Мансуров (Озарбайжон), Андрей Деманкин ва Хасан Бароев (Россия), Заде Хашем (Эрон)лар галаба қозонган ҳолда ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлари бўлишди.

Юнон-рум курашчилари орасида ягона медални юртдошларимиздан Жаҳонгир Турдиев қўлга киритди.

«Ўзқўргазмасавдо» марказида эркин курашчилар ўртасидаги илк финал беллашувлари бошланди. Бу гал ҳам залга йиғилган кўп сонли ишқибозлар қўллаб қизқарли беллашувларнинг гувоҳи бўлишди.

Кеча юртдошларимиздан биринчи бўлиб гиламга 50 килограммгача вазндаги полвонлар Баҳром Эрматов тугди. Нуржон Жаниязов (Қозогистон) билан баҳсда биринчи бўлим унинг фойдасига 2:0 ҳисобига яқунланди. Иккинчи бўлим бошларида ҳисоб 3:0 га етди. Беллашув охирида келиб ташаббусни бой берган Баҳром 3:4 ҳисобиде ютқазиб қўйди.

Шу кун энг кескин баҳс 76 килограммилар ўртасида кечди десак адашмаймиз.

ҚИСҚА СУРАТЛАРДА

□ **ИСТИҚЛОЛ** шарофати туфайли шаҳримизда ташкил этилган шошилинч «Тез тиббий ёрдам» маркази 760 ўринга мўлжалланган бўлиб, бир кунда 350 беморга хизмат кўрсата олади. Айни кунларда пойтахтимиздаги ҳар бир туманда ушбу марказнинг шохобчалари фаолият бошлади. Бунёдкорлар томонидан қурилган шошилинч «Тез тиббий ёрдам» марказининг янги би-

Беллашувлар ҳал қилувчи паллада

да яна бир ҳамюртимиз Музаффар Абдурахмонов ҳам ишқибозларни хурсанд қилди. У ўз рақибни арманстонлик Хоянисяни дастлабки сонияларданок эсанқиратиб қўйди. Биринчи бўлимдан сўнг эса 6:2 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Натижада Музаффарнинг соф галабага эришиши учун 4 дақиқаю 3 сония вақт кифоя қилди, ҳолос.

БУГУН эрталаб эркин курашчилар



Боғдаги байрамга марҳамат

Шу йилнинг 16 август кун соат 10.00 да Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг Болалар ташкилоти то-

«ПАХТАКОР» — ФУТБОЛ хотира турнири ғолиби

Илгари хабар берганимиздек, авиация ҳалокатида ҳаётдан кўз юмган «Пахтакор -79» жамоаси хотира-сига бағишланган фахрийлар ўртасидаги иккинчи халқаро турнир баҳслари ўз пойнига етди.

Шанба кун «Пахтакор» маркази стадионида «Пахтакор»

Бош соврин — шаҳар осоишталек посбонларид

Тошкент шаҳар ИИББ жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказида эса милиция генерал-майори Комилжон Ғогулов хотира-сига бағишланган республика Ички ишлар бошқармалари жамоалари ўртасидаги футбол турнири бўлиб ўтди.

Барча рақиблари устидан йирик галабаларга эришган Тошкент шаҳар ИИББ ва пойтахт вилояти бошқармаси жамоалари мусобақа финалига чиқшди.

Хал қилувчи баҳсда тошкентлик футболчилар — Тolibжонов ва Хайруллин томонидан киритилган икки тўп беллашувнинг 2:0 ҳисобиде яқунлишига имкон яратди. Шундай қилиб Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси футболчилари иккинчи бор хотира мусобақаларининг ғолиблири бўлишди.

Мусобақанинг энг яхши ўйинчиларига ташкилотчилар ва Ғогуловлар олган томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Шаҳримиз спортчилари — финалда

Утган уч кун давомида «Динамо» теннис кортларида Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти терма жамоалари ўртасида илк бор ўтказилаётган Ўзбекистон Кубоги мусобақалари финалига чиқиш учун беллашувлар бўлиб ўтди.

Биринчи ўйинда Денис Курматов (Тошкент) андижонлик рақибни Дониёр Усмоновни 6:0, 6:3 ҳисобида енгган бўлса, сўнг эса бир ҳамшаҳримиз Денис Салимасков Дмитрий Арисов устидан 6/2, 6/1 ҳисобида устун келди.

Мусобақанинг иккинчи кунини Нурматов — Салимасков жұфтлиги Усмонов — Мамадалиевларни 3/6, 6/0, 6/3 ҳисобида енгшди.

КЕЧА охириги икки учрашувда ҳам шахшаҳарларимиз галаба қозоншди.

Шундай қилиб Тошкент — Андижон терма жамоалари беллашувчи ҳамшаҳарларимизнинг 5:0 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди ва теннисчиларимиз энди 26-28 октябрь кунлари бўлиб ўтаётган финал учрашувиде баҳс юритишди.



СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



Туман чиройини очётган бинолар.

ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

Замонавий Тошкент шаҳри доирасида (яъни 280 квадрат километрдан ошқ майдонда) ҳозирги кунда 20 га яқин археология ёдгорликлари — кўҳна шаҳарлар қолдиқлари мавжуд бўлиб, уларда Ўзбекистон пойтахтининг бутун қадимий тарихи мужассамлашган. Улар орасида Сергели тумани ҳудудида жойлашган Шоштепа кўҳна шаҳарчаси ҳам мавжуд бўлиб, у тарихий аҳамияти бўйича аҳолида ўрин тутайди. Қадимда Шоштепа 20 гектардан ошқ майдонни эгаллайди, бироқ ҳозирда унинг факат Чоштепа кўчаси бўйича Жун каналнинг чап қирғоғига жойлашган 30 метр балангликдаги қўғонни маркази сақланган қолдиқ, холос.

Истиқлол шундай маҳабатли улғуворликки, уни асраб-авайлаш учун ҳам ана шунча иродали, эътиқодли бўлишимиз даркор. Бугун ҳар бир ўзбекистонлик ушбу муқаддас айёмни ўзгача бир шукҳ, меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Шунингдек мамлакатимиздаги ҳар бир ташкилот, корхона ва ўқув даргоҳларида ўтган ўн йил давомида қилинган ишлар сарҳисоб қилиниши табиий. Хусусан, бу байрамни шаҳримизнинг Сергели туман аҳли қандай кутиб олмақда? Шу даврлар мобайнида эришилган ютуқлар нималардан иборат бўлди ва келгусидаги режалар қандай? Биз шу каби саволлар билан Сергели тумани ҳокими Мидҳад Йўлдошевга мурожаат қилдик.

Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 106,1 фоизга оширилиб, 3 миллиард 391 миллион сўмга етказилди. Республикада қабул қилинган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни, чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган норматив ҳужжатлар уларнинг ҳам сон, ҳам фаолиятининг сифат жиҳатидан ривожланишига олиб келди. Чунки, ривожланиш жараёнида чет эл инвестиция корхоналарнинг моддий ресурслар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятига қаратилганлиги ижобий ҳол деб ҳисоблаймиз. Агар 1996 йил бошида 40 таси фаолият кўрсатаётган бўлса, бугунги кунда уларнинг 80 таси рўйхатдан ўтган, шу жумладан 28 та корхона саноатда, 2 та транспорт корхоналарида кўпайган.

— Бу ҳуррият, бу байрам мангу машаала каби юрагимизнинг туб-тубида ҳамisha оловланиб туради. Чунки мустақиллик аталмиш бу улғуворликнинг замирида ота-боболаримизнинг, буюк аجدодларимизнинг орзу-умидларий қанча-қанча заҳматли, унутилмас кунларнинг сўровлари бор. Шу сабаб ҳам бу байрамни ҳар қанча эъозласак, кўкларга кўтарсак, кўзимизнинг қўрида асрасак оз. Ўн йилдирки, қўлга киритилган истиқлол она дийримиз узра қанот қўқмоқда, ҳар бир хонадонга бахт улашмоқда.

Бугунги кунда туманда 1532 та юридик макомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналари, 2793 та шахс яқна тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар рўйхати олинган. Бу ютуқларга эришишимизда соҳага тегишли қонунчиликни эркинлаштириш, турли хил имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги муҳим ўрин тутайди.

Юракдаги мангу истиқлол

— **Ха, мустақиллик йилларида қилинган хайрли ишлар, ўзгаришларнинг сон-саногий йўқ.** Алқисса, шу даврлар мобайнида ижтимоий соҳанинг ривожланиши ва туман аҳолисининг турмуш даражасини ошириш борасида қандай юмушлар бажарилди? — Ҳар йилги режа ва дастурлардан ўрин олган, қўлини шарт бўлган юмушларимизнинг асосини ҳам ана шу йўналишлар ташкил этади, десам муболага бўлмас. Зотан, бугунги давр талаби ҳам шу. Агарда биз қанчалик ушбу йўналишларда муваффақиятларга эришсак, шунчалик давлатимиз ҳам мустақамланиб бораверади. Шундай экан мақсадимиз иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, корхоналарнинг молиявий аҳолини мустақамлаш ва уларнинг салоҳиятини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган.

Факатгина шу йилнинг ярмида 10 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ишлаб чиқариш учун 74 миллион сўмга кредит маблағлари ажратилди. Шу билан бирга кейинги йиллар давомида чет эл инвестицияли, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳамда хусусий тадбиркорларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб бормоқда ва бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 35 фоизга яқин миқдорни ташкил этади.

Қалбларни ёритган нур МАЪНАВИЯТ

Туманда аҳолининг маънавий баркамоллиги йўлида, айниқса ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳи-поки олдига ҳурматда бўлиш, дунёқарашини кенгайтириш борасида «Маънавият ва маърифат» марказининг маънавий-маърифий йўналишида олий бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Туман маънавият ва маърифат кенгаши қошида доимий тарғибот-ташвиқот гуруҳи режа асосида иш олиб бормоқда. Гуруҳга республикада танили фан докторлари, профессор ва фан номзодлари аъзодлар. Ундан ташқари ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, элпуннос, руҳшунос, санъатшунос ва адабиётшунос олимлар билан ҳам маҳалла ва ташкилотлар, коллеж ва мактабларда тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади.

Ўрта Осиёда ягона

1994 йили туманда «Техно-Нур» масъулияти чекланган жамият аъзолари хайрли мақсадларни қўзлаб иш бошлади. Бу ерда асосан илмий изланишлар натижасига асосланиб юқори самарали ва экологик тоза асбоб-анжомлар ишлаб чиқарила бошлади. Жумладан, ўша йили корхона жамоаси саноатда, қурилишда ва яқна тартибда фойдаланиладиган сув билан ишловчи газ пайвандлаш ускунасини яратиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ускунанинг афзаллик томонлари ҳақида корхона раҳбари Йўлдош Раҳмонов ўз фикрларини шундай баён этди:

Туманда барча маҳалла ва ташкилотларда «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Мустақилликнинг иқтисодий одимлари» мавзусида бўлиб ўтаётган тадбирларда қўллаб-саволлар ўз ечимини топаётгани, тингловчиларнинг маърузачилар билан эркин фикрлашаётганини кўриб, ўз-ўзиндан қувонсан киши. Бугун оддий ишдан тортиб етук олимгача ўз фикри, ўз гоёси бор. Бу гоё — миллий истиқлол гоёси. Бу гоё барча эзгу ниятлилар гоёси.



ШУ ВАТАННИ СЕВАМАН ЖОНДАН

Шу Ватани севаман жондан,
Севдим яна гўзал бўлди у.
Оққуш бўлди ҳар тушган қори,
Ҳар ёмғири асал бўлди у.
Кўлимга сув қуйди булоғи,
Шамоллари тутдилар сочиқ,
У қўлини очгани сайин,
Йўли бўлди шунчалар очик,
Шу Ватани севаман жондан,
Севдим яна дилбар бўлди у.
Оқ каптар — опам, синглиму,
Жайронлари жигар бўлди у.
Гулзор ичра Хонқизчалари,
Лабин қуйди бармоқларимга,
Мусичаси тунлари ювовши,
Юриб чиқди қабоқларимда.
Шу Ватани севаман жондан
Севдим бахти бекам бўлди у.
Бўричалар эмишганларим,
Қоплонлари акам бўлди у.
Шеърларимга сарлавҳа ёздим,
Кийик ўтган сўқмоқларидан,
Ҳайратимнинг нафасин сездим,
Қизғалоқнинг титроқларидан.
Шу Ватани севаман жондан,
Севдим, қатра қоним бўлди у.
Кўзим, сўзим, умри баёним,
Жоним бўлди, жоним бўлди у.
Зулфия МҲМИНОВА

Фаровонлигимиз гарови

— Истиқлолимизнинг муборак 10 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Ушбу шодана кунда албатта ҳар биримиз босиб ўтилган йўлга назар ташлаймиз.

Мен қурувчи бўлганлигим сабабли кўпроқ янги қуриланган йўллар, бинолар, боғларни кўриб қувонаман. Атрофга бир ҳолисона назар ташланг. Пойтахтимиз Тошкентнинг кўринишини кўриб қўзингиз қувнайди. Янги барпо этилган меҳмонхоналар, банклар, бориники, аҳолининг уйларини кўриб 10 йил давомида рўй берган ўзгаришлар нақадар улғувор эканлигига амин бўламиз.

Ўзгаришлар нафақат иқтисодиётда, қурилишда, ҳатто онгимизда юз берганлиги ҳаммамизга аён. 10-15 йил аввал чоп этилган китобларни олиб бир варақлаб кўрсангиз ҳозирги вақтда тилимизга, тарихимизга эътибор қанчалик кучли эканлигини ҳис қиласиз.

Ўзим мисолимда айтсам эл қатори қурилишда ишлаб юрган оддий ўзбек йигитиман. Халқлар дўстлиги саройидан бошлаб ҳозирги қурилаган консерватория ва урология маркази биноларигача бўлган қурилишларда иштирок этиб келдим. 1997 йилда камтарона меҳнатларимни инобатга олиб Ўзбекистон Қаҳрамони юқаск унвони берилганини эшитганимда кўзимга қувонч ва гурур ёшлари келганини эслайман. Ҳар биримизнинг меҳнатимиз — ўзимизнинг фаровонлигимиз, келажак авлоднинг тинч-тотув яшаши гаровидир.

Имкониятдан фойдаланиб ҳамшаҳарларимизни шодана кун, халқимизнинг буюк — байрами Мустақиллик кунининг 10 йиллиги муносабати билан муборакбод этаман.



Холжўжа УМАРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Муборак даргоҳ

Кўп миллатли Сергели туманида айни пайтда 33 та маҳалла, олтига замонавий гузар туман аҳолиси хизматига. Фуқаролар йиғини раислигига бўлиб ўтган сайловлар ҳам муваффақиятли яқунлиб, янги сайланган ва ўз ўрнида қолган оқсоқоллар ўзга бир шижоат билан иш бошлашди.

Хусусан тумандаги Шукур Бурхонов маҳалласида ҳам кейинги йилларда бирмунча ижобий ишлар бажарилди. Айниқса кўчалар атрофини қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, хонадонлар тотувлигини таъминлаш, маҳалла аҳдининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар тарбиясига аҳамият бериш каби бир қатор масалаларда булар кўзга яққол ташланмоқда.

Ҳамиша маҳалладошлар ўй-хаёллари, орзу-умидлари билан ҳамнафас бўлган, тажрибали, ҳар ишла ўрناق маҳалла оқсоқоли Аҳмаджон Ҳайдаров барча ишларига бош-қош бўлмоқда. Шунингдек, маҳалладаги фидойи инсонлардан Давлат Ўринов, Маҳфуза Шоёқубова, Равшан Анорбоев каби фаоллар ҳам боғ яратишда, уй ва унинг атрофлари обод бўлишида, турли маросимларни ўтказишда ўзларининг беминнат хизматларини аяматирлар. Алқисса маҳалла фаоллари ҳамisha ёшларни иш билан таъминлашда, уларни касбга йўналтиришда, профилактик нозирлар, меҳнат органлари ва ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб бормоқда.

Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки бугунги кунда маҳаллалар ҳақиқий маънода жамиятимизнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб бормоқда. Чунки аксарият хайрли ишлар ана шу муборак даргоҳ остонасидан бошланади. Дарҳақиқат, Мустақилликнинг ўн йиллик тўйига ҳам барча маҳаллаларда қизгин тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда.



КИМДИР СЕНДАН ФойДА ТОПОЛСА...

Ишхонада ўтирсам, хонамга бир йигит кириб келди ва ўзини Фарход деб таништирди. — Мен ёзган асарларингизнинг мухлиси бўламан, — деди у. — Китобларингиз борми, газета ва журналларда чиққан мақолаларингиз борми, ҳаммасини йиғиб, алоҳида жойга тахлаб қўйганман. Уларни ҳеч кимга ишонмайман ва ҳеч кимнинг қўлини теккизмайман. — Бунинг сабаби нима? — деб сўрадим. — Сиз менинг халоскоримсиз, сиз ҳақингизда қўп ўйладим, сиз билан учрашишни уч йилдан бунён орзу қиламан, бугун охири қидириб топдим, — деди у. — Қанақа халоскорлик ҳақида гапираясиз? — дедим тушунмай. — Буйрак оғриги нима эканини биласизми? — деди у.

Буйрақнинг баданга хизмати бордир, Шунинг-чун ҳар танга иззати бордир. Оламда буйрақинг соғ бўлсагина, Ҳаётнинг сен учун лаззати бордир. — Биламан, — дедим унга. — Лекин бунинг менга нима дахли бор? — Буйрак иллатидан олам менга қоронғи эди, еганим татимасди, уч марта операция бўлганман, — қуйиниб гапира кетди у.

Буйрак носог бўлса ҳеч зотинг ёқмас, Лаззату ширинлик, новотинг ёқмас. Ёқимли нарсани санаб нетаман, Ҳатто яшаб турган ҳаётинг ёқмас. — Давом этаверинг, — дедим унга. — Бир минг тўққиз юз саксон еттинчи йили «Табобат хазинаси дурдоналаридан» номли китобингиз чиқиб қолди. Олиб ўқидим. Буйрак тошини йўқотиш ҳақида ёзилган экан. Операция йўли билан буйрақимдан уч марта тош олишди. Энди тўртинчисини қилиш керак эди. Кел, дедим ўзимга, яна операцияга ётиш ўрнига китобда айтилганини қилиб кўрай-чи. Шундай қилиб, китобда айтилганларини қилишга киришдим.

Қачонким, бу азиз буйрақда тошдир, Еганим татимас, кўзингга ёшдир. Ниҳадек ҳар лаҳза санчиб турса у, Кимда чидам бўлар, кимда бардошдир? Бирор ҳафта ўтган, буйрак тошдан қутилганимни ҳис қилдим, кейинги йил яна тош пайдо бўлди, яна ўша давони қилдим. Учунчи йил яна тош пайдо бўлди, яна ўша даво билан қутилдим. Сиз ёзган даво тажрибадан тўлиқ ўтиб, ишонч пайдо бўлди. Сизни қидириб топишга ва миннатдорчилигимни изҳор қилишга шовилдим.

Кўзлардан шўр ёшни ҳайдамоқ керак, Буйрақдан у лошни* ҳайдамоқ керак. Даводан сеҳрли бир тошни ясаб, Бу тошдан у тошни ҳайдамоқ керак.

Йигит бошидан ўтганларини ҳикоя қилар экан, ҳаётимдан 1987 йил воқеалари ўта бошладим. Йил охирида муқовалари рангли, ичида бир қанча миниатюралари бор, тоза қоғозга босилган 50 минг нусхали китобим чиқди. Ҳаммага тақдим қилдим. Шу кунлари йиллик қилинган ишларни текширувчи балл комиссияси ишлаётган эди. Менга негадир ҳасад қилиб юрадиган бир аёл комиссияга қотибаси эди. Ўзича ишимдан нуқсон топган бўлиб, ишни текшириш учун ўша пайтда мавжуд бўлган халқ назоратига оширди. Халқ назорати бошлиғи бир аёл бўлиб, ишни текширишни ўз аъзоси, таниқли шарқшунос олим Х. Ҳикматуллаевга топширди.

Душман ҳужум қилса, чақмайин қўймас, Азоб оловиде ёқмайин қўймас. Ўзингни ҳимоя қила олмасанг, Гўринга тириклаб тикмайин қўймас.

Х. Ҳикматуллаев ишни текшириб, йиллик режа юз фоиз эмас, юз эллик фоиз бажарилгани, иш бўлим мажлисида муҳокама қилинган, иш юзасидан С. Каримова ва Х. Ҳикматуллаевлар ахборот берганини, бўлим мажлиси баённомасида ишнинг сифати ва тўлиқ бажарилгани ўз аксини топгани ҳақида хулоса чиқарди. Бирок назорат бошлиғи йиллик ҳисобот мажлисида воқеанинг ҳақиқатини яширган ҳолда мени айбдор сифатида текширилганимни эълон қилди. Яқин дўстим А. Ҳакимжоновнинг ҳамиятига тегиб кетиб, иргиб турди-да, ҳисоботни қоралаб кетди. Раис иш жанжалга айланмаслиғи учун уни босишга ҳаракат қилди. Мен ҳеч нарса демадим. Негаки, бўлим раҳбари ва илмий раҳбарим У. И. Каримов бу ишларга аҳамият бермаслиқни, бутун кучимни илмий ишга қаратишимни ўқитган эдилар.

Душмандан ҳазар қил, йўлинг тўсади, Арқонсиз бир кун дорга осадди. Душманнинг ишига бепарво бўлсанг, Пайт пойлаб гўринга тупроқ босадди. Балл комиссияси қотибасининг менга қўйган иккинчи айби, мен саксон еттинчи йили китоб чиқарман ва қалам ҳақи ишлайман деб, йиллик режамни бажаришда нуқсонга йўл қўйган эканман. Бу олимпиада китоби шу йил тайёрланган, шу йил чикмаслигини ҳам билмас экан. Ваҳоланки ўша китоб 1983 йилда нашриётга топширилган бўлиб, 1987 йили чиққан эди.

Мен Фарходнинг шодлигини эшитиб, ўтган воқеаларни хотирлар эканман, кўнглимда бир қоникчи хис қилдим. Негаки мен чиқарган китоб кимгадир қўл келибди ва оғир қийинчиликдан қутилишга ёрдам берибди. Орадан кўп йиллар ўтди ва биз Фарход билан ака-ука бўлиб кетганмиз. У билан тез-тез кўришиб тураемиз.

Кимдир сендан гоҳ-гоҳ фойда тополса, Ишларингдан огоҳ фойда тополса. Бундан ортиқ яна бахтинг бўларми, Китобингдан ногоҳ фойда тополса!

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

* Лош — ўлкаса.

Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз кўзгусидир.

Ислом КАРИМОВ

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

— Оқсоқол сифатида маҳаллада саховат ва мурувват масалаларига ҳам эътибор қаратиб турасизми? — Албатта-да, маҳалла фуқаролар йиғинининг вазифаси фақат турли тадбирларга бошқош бўлиш ёхуд насихат-гўйликдан иборат эмас. Балки, ўз ҳудудидаги ночор, кам таъминланган фуқароларнинг дардига малҳам бўлиш, уларнинг корига яраш. Бу ҳам маҳалламизда ана шундай



Ҳорманг, оқсоқол

Маҳалланг — ота-онанг, деб бекорга айтишмайди. Чунки, ўз ота-онасига рўйхушлик бермаган, ҳар қандай фарзанд, ёки бўлмаса бир-бирини сира тушунмаётган ҳар қандай ёш оила маҳалла қаршида барибир бош эгади, беихтиёр тўғри йўлга тушиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Қолаверса, маҳалла катта куч, ташаббускор. Унинг кўмағида анча-мунча бунёдкорлиги савоб ишларни амалга ошириш ҳеч гап эмас. Бизнинг Собир Рахимов туманидаги «Ёшлик» маҳалласи оқсоқоли Мухаммадjon Файзиев билан суҳбатимиз ҳам маҳалланинг ҳаётимиз, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни тўғрисида бўлди.

— Сиз заҳирадаги ҳарбий одамсиз. Кексалик нафақасиз. Бошқалар сингари маҳалла ташвишларидан навроқда қарилганганини суриб юрсангиз ҳам бўладик... — Тўғри, шундай қилсам ҳам бўларди. Бироқ, ҳамма ўзини олиб қочаверса, ишни қим қилади? Қолаверса, маҳалламизда асосан ёш оилалар яшайди. Мен бўлсам, болаларни жони дилим билан яхши кўраман. Уларга қараб туриб янада ёшаргандек бўламан, бутун чарчоқларим тарқалиб кетади.

— «Ёшлик» маҳалласида амалга оширилаётган ишларнинг бошқа маҳаллалардан фарқи жиҳати нимада? — Сизга бунинг бир оддий мисол билан тушунтириб кўя қолай. Маҳалла ҳудудидаги мактаблардан бирининг ўйингоҳи тарафида ўтсангиз деярли кунора ўсмир йигитларимиз икки жойга бўлиниб, футбол ўйнаётган бўлишадди. Бу шунчаки ўйин эмас, жиддий мусобақа. Муболага бўлсам айтман, бу мусобақалар унча-мунча ўйинлардан ҳам қизиқарлироқ, масъулиятлироқ ўтади. У ерда томошабинлар ҳам етарли, ҳақамлар масаласига жиддий эътибор берамиз. Бу нарса четдан қараганда баъзилар учун арзимасдек туюлиши мумкин. Лекин, натижа шундай бўляптики, қизиқувчи ҳавасмандларимиз сонини тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, томошабин, ўйинчилар сонини ҳисоблаб чиқсак, маҳалладаги аксарият ёшлар ўйингоҳда. Демак, улар турли номақбул ишлар билан шуғулланиш фикридан йироқ. Соқир бўлиши мумкин нохушликларнинг илдири эса қирқилиб бормоқда.

ишларни баҳоли қудрат амалга ошириб келамиз. Яъни, ўтган йили Наврўз байрами арафасида 13 нафар кам таъминланган оила, 6 нафар 24-мурувват уйи болажонларининг суннат тўйларини ўтказиб бердик. Тўйимсан тўй бўлди ўзим. Болажонларимизнинг ўша кунги қувончини бир кўрсангиз эди.

Бундан ташқари, ҳар байрамда кексаларимиз, қаровчисини йўқотган, ночор хонадонларга озиқ-овқатдан, кийим-кечакдан баҳоли қудрат ёрдам қилиб турибмиз. Яна тез-тез болажонларимиз учун кино, театр, концерт, цирк, ҳайвонот боғлари-га саёҳатлар уюштириб турилади.

— Маҳалладошларга тилақларингиз.

— Хонадонларидан тинчлик, хотиржамлик, дастурхонларидан қут-баракат аримасин. Мустақиллигимиз байрами маҳалларимизга янада файз-баракат келтирсин.

Олимжон ҲАЙИТОВ
СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Мухаммадjon Файзиев маҳалла болалари даврасида.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

№ 1 Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармасининг саҳифаси

Илгари хабар берганимиздек, «Маҳалла кун» байрамида шахримиздаги энг ибратли, осейишта, обод, тадбиркорлик ривожланган маҳаллаларнинг оқсоқоллари, турли кўрик-танловларнинг ғолиблари тақдирланганди. Биз маҳалланинг тадбиркор, жонқуяр оқсоқоллари ва фидойи фуқаролари билан улар ютуқларининг сир-асрорлари, республикамизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига ҳозирлаётган ўзига хос сўгалари хусусида суҳбатлашдик.

Тўйга тўёна билан

Собир ҳожи КОМИЛОВ, Ҳамза туманидаги Аҳмадjon Назаров номли маҳалла оқсоқоли, «Энг ибратли маҳалла» шаҳар ташкилотининг ғолиби: — Маҳалла оқсоқолигига 1998 йили сайлангандим. Шундан кейин маҳалла кўмитаси котиби Қобил Толипов, фаоллари Собир Соқиев, Уткир Жўрабоев, Тоживой Умурақов каби заҳматқашлар билан бирга маҳалламизни ободонлаштиришни бошладик. Дастлаб, маҳалланинг идорасини тўла таъмирладиқ, замонавий анжомлар билан жиҳозладиқ. Сўнг 425-болалар боғчаси, 230-мактаб рўпарасидаги чиқиндиҳона бўлиб ётган Шохсанам кўчасининг 200 метр масофадари ери тозаланиб, соғ тупроқ тўкилиб минг тушдан ортиқ гўл қўчатлари, терак экилиб чиройли боғ бунёд этдик. Шу атрофдаги жой кенгайтирилиб, савдо расталари қурилгани ҳолда маҳалла учун бозорона оқдик, атрофини чиройли хиёбон қилдик.

Маҳалламиз болалари спортга жула қизиқшади. Каратэ, дзюдо, кикбоксинг тўғр-қарларига қатнашади, футболдан эса 2000 йилда болаларимиз «Футболнинг келажак» республика мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллашди. Шундан рудланган ва «Хар бир маҳаллада спорт комплекси» ташаббусига жавоб берган ҳолда шу йилнинг Наврўз байрамга маҳаллада халқаро андозлар талабларига жавоб берувчи спорт комплексини очдик. Яқинда бу ерда туман ҳокими Кубого учун болалар ўртасида футбол мусобақаларини ўтказдик.

Мустақиллик байрамига маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқчимиз, мискин оилалар фарзандларига ўқув қуроллари олиб берамиз. Тумандаги маҳаллалар футбол жамоалари ишларида «Мустақиллик кубоги» мусобақаларини ўтказамиз. Излаган имкон топди, деганларидек, бошқа маҳаллалар ҳам тадбиркорлик тузилмаларидан тушган маблағлар, ҳомийлар кўмағи остида амалга ошириш ишларини амалга ошириш мумкин. Фақат ҳоҳиш бўлса бас.

Зебинисо УМЕРОВА,

Бектемир туманидаги «Мажнунтола» маҳалласи фуқароси, «Маҳалла жонқуяри» кўкрак нишонининг соҳиби:

— Ўзим қурилиш соҳасида 25 йил давомида фаолият кўрсатиб, тажриба орттирганман. Икки йилдан бунён эса турмуш ўртоғим билан «Смапост» хусусий корхонасини ташкил этган ҳолда иншоотларни тўла таъмирлаш фаолиятини амалга ошириб келяп-миз. Шукр, ишларимиз юришиб турибди. Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла, деганларидек, қурилиш ишларидан тушган даромаднинг каттагина қисмини маҳалламизни ободонлаштириш, ривожлантириш ишларига сарфлаб келяпмиз. Асосий мақсадимиз — маҳалланинг чиройли гузарини бунёд этиш. Ҳозир бу борада озиқ-овқат дўкони, новвойхона очдик. Икки қаватли поликлиника биноси ҳам битиш арафасида. Ушбу иншоотни Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига тўхфа сифатида тоширмоқчимиз. Чойхона қурилиши давом этмоқда. Энг муҳими маҳалламизнинг кўнчилиқ аҳолисини корхонамизга ишга жойлаганмиз. Келгусида спорт мажмуини қуриш ниятимиз бор.

«Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими томонидан Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига бағишлаб 12 та кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим болаларнинг суннат тўйи ўтказилди. Шу сабабли тадбирга ҳам ўз кўмагини кўрсатмоқчимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

Фаввора қурилмоқда

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари юртимиз кўрқига янада кўрк қўшмоқда. Мирзо Улугбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Байрам арафасида ишга тушаётган маҳалла хиёбонидagi фаввора маҳалла аҳлининг мазмуни дам олишига муносиб улуш қўшади. — Маҳалламиз тумандаги энг баҳаво ва хушманзара ҳудудда жойлашган, — дейди маҳалла оқсоқоли Зикрилло ака Эрматов. — Маҳалламизнинг кундан кунга чирой очиб, обод бўлиб боришида миллатлар ўртасидаги ахиллик ва иноқлик янада мустаҳкамланиб бораётганлиги кўриниб турибди. Туман ҳокимлигининг ҳомийлигида катта ободонлаштириш ишлари олиб

борилмоқда. Ҳокимлик томонидан ажратилган икки миллион сўмдан ортиқ маблағга икита фаввора бунёд этилмоқда. Уларнинг атрофида урнатилган дўкончаларда салкин ичимликлар ва музқаймоқлар савдосини ташкил қиламиз. Фавворани ишга туширишда «АЛ ОАЗИС» хусусий корхонасининг ишчилари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хусан БАРОТОВ

ЭНГ АФЗАЛИ — ТОТУВЛИК

Миллатлар дўстлиги — халқ бойлиги

Акmal Икромов туманидаги кўп қаватли уйлардан ташкил топган «Ватан» маҳалласида 11 мингга яқин аҳоли — 40 га яқин миллат ва элат вакиллари аҳил ва иноқ ҳаёт кечирмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, 1992 йилда маҳаллани ташкил этиш чоғида уни қандай ном билан аташ масаласи кўрилган дастлабки йиғилишда шу ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллат ва элатлар вакиллари сўзга чиқиб, «Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон бўлиб қолди. Шу сабабдан маҳалламизга ҳам «Ватан» номи берилсин», дея тақлиф билан чиқишганди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ташаббуси билан мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб «Миллатлар дўстлиги — халқ бойлиги» мавзусидаги анжуманининг айна «Ватан» маҳалласидаги шинам «Бахт» қаҳвахонасида ўтказилиши ҳам бежиз бўлмади.

— Халқлар дўстлиги, бирлиги — юртимиз бойлигидир, — деди жумладан анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсидилла Ақромов. — Зеро миллатлар дўст, иноқ бўлган жойда тинчлик ҳукм суради. Ҳаммагимиз уйимизда хотиржамлик бўлсин, мамлакатимизда эса миллатлараро тотувлик ривожланаверсин. Ўн йил давомида бир-биримизга қўллаб-қувватлаб асрга татилик ўзгартишларга юз тутаяпмиз. Ушбу бойлиқни ҳаммамиз асрашимиз керак.

Анжуманда сўзга чиққан Республика оқсоқоллари Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шўхрат Жалилов, Республика Байналмилал маданият маркази раиси Карим Расуловлар ҳам юртимизда миллатлараро иноқликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг қудрати ҳақида тўхталиб ўтишди. Ўз на-мобатида «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев, шу ма-балага фуқаролари — II жаҳон уруши қатнашчиси Николай Черепененко, Абдурашид Бекбўлатов ва бошқалар бу ердаги миллатлар иноқлигини таъминлаш борасида қили-наётган ишлар тўғрисида сўзлаб беришди, тажрибалари билан ўртоқлашди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Чилонзор туманидаги 2-Қатортол маҳалласида яшовчи, маҳалла оқсоқоли Манноп ака ва Муборак ая Ҳакимовлар оиласини нафақат маҳаллада ҳам ҳурмат билан тилга оладилар.



ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Оила — жамият гултожи

ёнларида турмоғимиз лозим. — Юртимизда тинчлик, омонлик бўлсин, — дейди хонадон соҳибининг умр йўлдошлари, юзларидан меҳр ёғилиб турган файзли, фариштали онахон Муборак ая. — Мустақиллигимизга кўз тегмасин, жамики яхши одамларнинг топган-тутгани яхшиликка буюрмаган. Эзгу ва савоб ишларга бош бўлаётган, халқим тинчлиги ва омонлиги деб жон куйдираётган Президентимизга тиргак бўлоғимиз,

иззат-ҳурмат қилаётган, юртимиз тинчлигига соямон бўлаётган Юртбошимизни Оллоҳ ўзи қўласин. Ҳа, Манноп ака ва Муборак ая пиру бадавлат хонадон соҳиблари. Уларнинг 8 фарзандлари олий маълумотли, уй-жойли, бола-чақали, ота-она дуосини олиб эл хизматини давомлатиб юришибди. Манноп ака узоқ йиллар устоз деган табаруқ номини оқлаб, ёшларга сабоқ бериб, 30 йилдан ортиқ эл хизматида юрган, халқ маорифи аълочиси

деган юксак ҳурматга эга бўлган инсонлардан. Биз мана шундай бахти бекам оилаларни кўрганда ҳавас қиламиз ва беихтиёр қуйидаги мисралар ёлга тушади. Дорилмон кунлар келди шафақлари ол, Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: Манноп ака ва Муборак ая Ҳакимовлар фарзандлари даврасида. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

